БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАМИЗ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 240 (3722). | Жума 8 декабрь 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Ўрта Чирчиқ район қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг беш йиллик планни барвақт бажариш ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилган

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўрта Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги юбилейини давлатга пахта, каноп пояси, дон, шоли, пилла, гўшт, жун, мева ва узум сотиш планларини ошириб бажарган ҳолда кутиб олдилар.

Бу йил районнинг ҳамма колхоз ва совхозлари пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб ado этдилар. Район бўйича пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 2,3 центнерга ошди ва 26,5 центнерни ташкил этди. Пахтанинг ялпи ҳосили эса беш йиллик охирига мўлжалланганига қараганда 6900 тонна кўп бўлди.

Пахта етиштиришни кўпайтиришда «Полярная звезда», Куйбишев номли, Охунбобоев номли, «Ленин йўли» колхозларининг деҳқонлари энг яхши натижаларга эришдилар. Бу хўжаликларнинг илғор участкалари ва звеноларида ҳар гектар ердан 35—38 ва 40 центнердан «оқ олтин» олинди.

Бу муваффақиятлар пахтакорлар фидокорона меҳнатининг ёрқин самарасидир. Район деҳқонлари партия ва ҳукуматимизнинг деҳончилик маданиятини ошириш, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорликларини кўтариш борасида қилаётган оталарча ғамхўрликлари туфайли ана шундай қувончли ютуқларни қўлга киритдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатига, Хоразм области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдиришга қарата чиқарган Чақириқларига жавобан биз қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш борасидаги ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқдик, муҳокама қилдик ва ўз зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдик:

1970 йилга бориб беш йиллик планда белгиланган 53,4 минг тонна ўрнига 58 минг тонна пахта етиштирамиз ва беш йил давомида мамлакатга пландан ташқари камида 25,1 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз. Беш йиллигининг охирига қадар гектар бошига олинадиган пахта ҳосилини 29 центнерга етказамиз. Бу беш йилликнинг бошидаги ҳосилдорликка нисбатан 5,2 центнер кўп демакдир.

Беш йиллик давомида пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнат харажатларини 1 кишн-кунига, таннархни эса 10 процентга камайтирамиз.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорига мувофиқ беш йиллик мобайнида 3000 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз, 4200 гектар суғориладиган ерни, шу жумладан 500 гектар шоли майдонларини капитал планировка қиламиз.

1970 йилга бориб 15 колхоз ва совхозда алмашлаб экишни тўла жорий этамиз. Беда майдонларини 7500 гектарга, унинг ҳосилдорлигини эса пландаги 60 центнер ўрнига 80 центнерга етказамиз.

Районимиз шоликорлари 1970 йилда 9500 тонна шоли етиштирадилар, умумий майдонларнинг 10 процентига шолини механизмлар билан экиб, механизмлар билан йиғиштириб оладилар.

Аҳолига сабзавот, картошка ва полиз экинлари маҳсулотларн етказиб беришни янада яхшилаш мақсадида давлатга қуйидаги миқдорда маҳсулот сотишни таъминлаймиз:

(минг тонна ҳисобида):

	1968 й.	1969 й.	1970 й.
Сабзавот	12,6	21,4	25,8
Полиз	6,9	7,8	9,1
Картошка	5,1	8,8	9,1

Сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари, мева ва узум етиштириш юзасидан берилган беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажарамиз. Хўжаликларда ипак қуртларини

	1968 й.	1969 й.	1970 й.
Қорамоллар	20.320	21.000	22.000
Қўй-эчкилар	95.000	97.300	99.500
Паррандалар	192.600	240.800	253.800

Беш йилликнинг охирида гўшт етиштиришни пландагига нисбатан 300 тоннага, сут етиштиришни 386 тоннага, жун етиштиришни 77 тоннага, тухум етиштиришни 1 миллион 869 минг донага кўпайтирамиз.

1970 йилнинг охирига қадар шолининг таннархини 10 процентга, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотларининг таннархини 5 процентга, пилланинг таннархини 5 процентга, гўшт ва сутнинг таннархини 5 процентга камайтирамиз ва колхоз-совхозларда хўжаликни рентабель бошқаришга эришамиз.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва экономикани яхшилаш мақсадида биз деҳончилик ва чорвачиликдаги ишларни комплекс механизациялаштиришни тағин ҳам кенгайтирамиз. 1970 йилда пахтани машиналар билан териб олиш даражасини 80 процентга етказамиз. Беш йиллик мобайнида тўртта қорамолчилик фермасини комплекс механизациялаштирамиз.

Машина-трактор паркидан фойдаланиш ва уни техникавий жиҳозлантириш ишини кескин яхшилаймиз. Беш йиллик мобайнида учта хўжаликда техника хизматининг стационар пунктларини ташкил этамиз, камида 8 та типовой нефть базаси қурамиз, тракторларни механизмлар билан заправка қилишни жорий этамиз.

«Узсельхозтехника» корхоналарида қишлоқ хўжалиги техникасини ремонт қилишда индустриал методларни ўзлаштирамиз, ремонтнинг сифатини яхшилаймиз. Шунингдек, ремонт таннархини 2 процентга, муомала харажатларини 5 процентга камайтирамиз.

Биз областнинг барча колхозчилари, совхоз ишчилари, мутахассислари, қишлоқ хўжалиги ходимларини беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдиришга чақирамиз.

УШБУ МАЖБУРИЯТЛАР РАЙОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Янгийўлдаги Калинин номли колхоз деҳқонлари бу йил барча экинлардан, айниқса пахтадан баракали хирмон кўтардилар. Бу — ернинг унумдорлигини ошириш натижасидир. Улар келгуси йилда ҳам мўл ҳосил етиштириш ниятида барча майдонларни обн-тобида шудгорлаб қўйишга алоҳида эътибор бердилар. Суратда: хўжаликнинг сўнгги гектар майдонларини шудгорлаш пайти.

А. Тўраев фотоси.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Калинин районидаги «Дамачи» балиқчилик хўжалигининг коллективи балиқ топшириш планини бажарганда қўшимча равишда яна 600 центнер балиқ етказиб беришга аҳд қилган эди. Бу юксак мажбурият ҳам ошириб бажарилди. Шундай қилиб, балиқчилар юбилей йилини муносиб меҳнат совғалари билан якунламоқдалар. Балиқчилар 3350 ўрнига 3950 центнер балиқ сотдилар. Хўжалик 35 минг сўм соф фойда олди.

— Биз,— дейди хўжалик директори Қодир Шарипов,— эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, келгуси йилда шаҳарликларга 4000 центнер сифатли балиқ етказиб бериш учун астойдил курашамиз.

В. И. Ленин номидаги якка тартибда кийим тикиш фабрикасининг пешқадам чевари М. Юсупова 12 йилдан бери ҳалол меҳнати билан ном қозониб келмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Мукимий кўчасида турли хил буюмлар билан савдо қиладиган янги магазин очилди. Бу ерда тикув ва кир ювиш машиналарини, галантерея ва парфюмерия товарларини, пластинкалар, уй-рўзғор ва хўжалик буюмларини сотиб олиш мумкин. Магазин харидорларга жуда қулай келди. Суратда: сотувчи М. Қодирова.

Р. Отажонов фотоси.

МИРИШКОРЛАР

Оққўрғондаги «Москва» колхозининг деҳқонлари беш йилликнинг биринчи йилида чинакамига меҳнат қилдилар. Пахта майдонлари кузда сифатли ҳайдалди. Шудгордан олдин ҳар гектар ерга 4,5 тоннадан гўнг ва 350 килограммдан суперфосфат солинди. Пахтакорлар мўъжизакор техникани асосий таянч деб билишди, деҳқончилик маданиятини юқори погонага кўтара боришди.

Юбилей йили баҳори ҳам етиб келди. Дала ишлари жонлантириб юборилди. Яхши ишланган ва тўйдириб озиқлантирилган 670 гектар майдонга вақтида уруғ қадалди. Чигит ердан қийғос униб чиқди. Ғўзалар агротехника муддатларида сифатли парвариш қилинди.

— Ер—ҳазина. Унинг сийнасида бойликлар беҳисоб. Ернинг ёмони бўлмайди. Деҳқон — ернинг уста наққоши. У истаса ҳар қандай тупроқдан ҳам олтин ундиради, — дейди колхознинг бош агрономи Турғун Каримов.

Ҳа, шундай. Ерга меҳр қўйган, уни эъзозлаган деҳқон доғда қолмайди. Бу хўжалик миришкорлари ҳам ерга сидқидилдан ихлос қўйдилар. Натижада мавжуд майдонларда мўл-кўл жавоҳир етиштирилди.

Ҳосил йиғим-терими зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Бутун мавсум давомида бетиним ишлаб турган «Зангори кема»лар колхоз хирмонига қут-барака киритди. Қисқа вақтда йиллик план тўлдирилди. Ҳозиргачаона-Ватанга 1850 тоннадан кўпроқ юқори сортли пахта армуғон этилиб, зиммадаги социалистик мажбурият ортиғи билан бажарилди. Ҳосилнинг 88 проценти «Зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Ҳосилдорлик колхоз бўйича бир йил ичида 3 центнер ошди. Шароф Шоҳмардонов ва Шамил Кибаров ўртоқлар раҳбарлик қилаётган агроучасткаларда ҳосилдорлик гектар бошига 32—34 центнерни ташкил этди. Колхозда биргина шу йилнинг ўзида пахтачиликдан 1 миллион 500 минг сўм даромад қилиш мўлжалланмоқда. Илғорилари колхозчилар бир иш кунига 2—2,5 сўмдан ҳақ олган бўлсалар, бу йил 5 сўмдан кам олмайдилар.

Қўлга киритилган муваффақиятларнинг боиси шундаки, колхоз марду-майдонлари ҳар қадамда янгиликка интилишди. Звено принципи мустаҳкамланди. Бу йил янги агроучасткалар ташкил этилди. Энг муҳими — кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишга жиддий эътибор берилди. Колхоздаги тўртта агроучасткаининг ҳаммасига агрономик мутахассисликка эга бўлган кишилар раҳбарлик қилмоқда.

Хўжаликнинг бошқа соҳаларида эришилган кўрсаткичлар ҳам қувончли. Давлатга галла, шоли, пилла, сут, сабзавот, гўшт, тухум ва полиз маҳсулотларини сотиш йиллик планларни ошиғи билан ado этилди.

Шу кеча-кундузда колхоз далаларида кузги-қишки тадбирлар тезкорлик билан амалга оширилмоқда. 7 та ҳайдов трактори шудгорлашда юқори унум билан ишлаяпти. Шудгор олдидан ҳар гектар ерга 5 тоннадан маҳаллий ўғит, 350 килограммдан суперфосфат аралашмаси солинаяпти. Хўжалик аъзолари шудгорлашни яқин кунлар ичида тугаллаш учун фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Б. ЙЎЛДОШЕВ.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

ЯНГИЙЎЛ («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Хоразмликларнинг ватанпарварлик чақириқларига амалий иш билан жавоб берётган «Ленинизм» колхозининг азамат меҳнаткашлари дала ишларини қизғин давом эттирмоқдалар. Колхозчилар ишни пухта ташкил этишиб, бир неча кун ичидаёқ пахтаси йиғиштириб олинган ерлардаги ғўзапояларни тозалашди. Кейин ҳайдов тракторлари ишга тушди. Абдулла Тиллаев, Деҳқон Тенгизбоев, Эргаш Қурбонбоев каби юқори ҳосилли звеноларнинг бошлиқлари рулга ўтириб трактор ҳайдашди. Иш икки сменада олиб борилди. Ҳайдов сифатли ўтказилди. Иш баракали бўлди. Колхоз биринчилар қатори шудгорлашни тамомлади. Колхозчилар эришилган ютуқларни амалий иш билан мустаҳкамлашяпти. Улар пахта майдонларига 3000 тонна гўнг ташиб чиқаришга аҳд қилдилар. Шунинг учун ҳам гўнг ташишда машина, прицеплардан моҳирлик билан фойдаланяпти. Кунига 130—150 тоннага яқин гўнг ташиб чиқарилмоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА КУЗГИ ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

7 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Районлар	планга нисбатан процент ҳисобида
ОРЖОНИКИДЗЕ	101,5
КАЛИНИН	101,4
ОҚҚЎРҒОН	100,9
Янгийўл	95,5
Юқори Чирчиқ	89,6
Ўрта Чирчиқ	85,9
Бўка	67,7
Бекобод	60,0
Область бўйича:	85,5

ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети шу йил декабрининг биринчи беш кунлигида районларда шудгорлаш юзасидан амалга оширилган иш якунларини кўриб чиқиб, область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини **Ўрта Чирчиқ район**и (район партия комитетининг секретари **Мирахмедов**, район ижроия комитетининг раиси **Назаров**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Ортиқхўжаев**, район комсомол комитетининг секретари **Муталов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Мелик-Карамян** ўртоқлар)га беришга қарор қилдилар. Бу район декабрнинг биринчи беш кунлигида шудгорлаш юзасидан 25,6 процент ўсишга эришган ва шудгорлаш йиллик планини 82 процент бажарган.

Байроқ Янгийўл районидан олиб берилади.

Область партия комитети ва область ижроия комитети Янгийўл ва Бекобод районлари колхоз ва совхозларининг шудгорлашда яхши ишлаганликларини қайд қилиб ўтдилар.

МИНЕРАЛ ЎҒИТ ЧЎКИБ ҚОЛМАСИН

(ТАШВИШЛИ СИГНАЛ)

Баъзи хўжаликларда шудгордан олдин ерга минерал ўғит солишга етарли эътибор берилмади, бу иш сифатсиз ўтказилмоқда.

Оққўрғон райони шудгорлаш планини бажарганига анча бўлди. Лекин райондаги «Коммунизм» совхозида кузги шудгорлаш қандай ўтказилди, ерга минерал ўғитлар нормада белгиланганича солиндими?

Бу саволга совхоз раҳбарлари елка қисишлари аниқ. Чунки кузги шудгор учун зарур бўлган ўғитни совхоз ҳали ташиб кетган эмас. Бу хўжалик кузги шудгор учун 484 тонна минерал ўғит олиши керак эди. Шундан 236 тоннаси суперфосфат, 186 тоннаси калий ва 62 тоннаси азот ўғитларидан иборат. Хўжалик учун планлаштирилган ўғитларнинг дастлабки тонналари темир йўлнинг 1-разъездига 31 май куни келтириб туширилган бўлса, сўнгиси 24 ноябрь куни станциядан жой олди. Лекин шунча минерал ўғитнинг бир граммини ҳам ҳали совхозга олиб кетилмади.

Совхоз директорининг ўринбосари ўртоқ К. Ю. Ким темир йўл станциясининг бошлиғи ўртоқ А. Гафуровга «бугун олиб кетамиз, эртага олиб кетамиз», деб ваъда беришдан нарига ўтганича йўқ.

Минерал ўғитлар эса қор-ёмғирлар тагида қолиб ўз кучини йўқотмоқда.

Шу кунларда станцияда ўғит ортилган вагонлар яна қаторлашиб қолаяпти. Бу минерал ўғитлар Янгийўл районидаги Ленин номли, «Партия XXI съезди», Навоий номли, Н. Ниёзов номли қатор колхозларга қарашли. Ана шу хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам станция бошлиғининг бир неча бор огоҳлантиришига қарамай, ўғитларни олиб кетишмаяпти. Масъулиятсизлик ҳам шунчалик бўладими?!

Темир йўл вагонларининг сабабсиз туриб қолишига, кўплаб минерал ўғитларнинг нобуд бўлишига йўл қўяётган хўжаликларнинг раҳбарлари бу камчиликларни бартараф этишга тезроқ киришишмаса, келгуси йилда мўл ҳосил етиштиришда панд ейишлари турган гап. Бунинг устига темир йўлга тўланадиган жаримани айтмайсизми?

И. ЙЎЛДОШЕВ,
И. РОЗИҚОВ,
«Узсельхозтехника» бирлашмасининг ходимлари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЧИЛАР ИШИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Яқинда область партия комитети Бўка район партия комитетининг аҳоли ўртасида олиб бораётган оммавий-сиёсий тушунтириш ишлари бўйича ҳисоботини эшитди ва қарор қабул қилди.

Қарорда Бўка район партия ташкилоти партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети пленумлари қарорларини бажара бориб, аҳоли ўртасида оммавий-тушунтириш ишларини ўтказишга катта эътибор бера бошлаганлиги қайд қилинди.

Район бўйича 1208 сиёсий ташкилотчи танланиб, тасдиқдан ўтказилган. Уларнинг кўпчилиги олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлган коммунистлардан иборат. Хотин-қизлардан 260 киши сиёсий ташкилотчилик қилмоқда. Бошланғич партия ташкилотларида сиёсий ташкилотчиларнинг советлари тузилган.

Сиёсий ташкилотчилар КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига чиқарган Тезислари, партия ва ҳукуматимизнинг муҳим ҳужжатларини аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан катта ишларни олиб бордилар. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг куч-ғайратини халқ хўжалиги планларини бажаришга сафарбар этиш имкониятини берди. Район давлатга пахта сотиш планини ва юбилей йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан зиммага олган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарди.

Шу билан бирга қарорда район партия комитети ва кўпгина бошланғич партия ташкилотларининг кейинги пайтларда аҳоли ўртасида оммавий-тушунтириш ишларини олиб боришга эътиборни пасайтириб юборганлиги, сиёсий ташкилотчиларнинг фаолияти устидан етарли даражада раҳбарлик ва назорат қилинмаётганлиги қайд қилинди.

Айниқса, «Кўкорол» совхози, Жамбул номли, «Октябрь 40 йиллиги», Мичурин номли колхозлар ва бошқа хўжаликларда оммавий-тушунтириш ишлари яхши ташкил этилмаган. Район партия комитети ва партия ташкилотлари бир неча ойдан буён сиёсий ташкилотчилар учун семинарлар ўтказмаяпти. Сиёсий ташкилотчиларнинг кўпгина советлари иш планларига эга эмас, улар советларнинг мажлисларини ўтказмайдилар, сиёсий ташкилотчиларнинг қилаётган ишлари ҳисоботи олиб борилмайди. Шу туфайли ҳам кўпгина сиёсий ташкилотчилар аҳоли ўртасида оммавий-тушунтириш ишларини ўтказмай қўйганлар.

Қатор колхоз ва совхозларда сиёсий ташкилотчилар бурчаги ёўқ, оммавий-сиёсий ишлар хоналари ташкил этилмаган. Буларнинг ҳаммаси ўтказилаётган суҳбатлар савиясини пасайтирмоқда.

Район партия комитети ва партия ташкилотлари ўз ишларида область партия комитетининг сиёсий ташкилотчиларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш ҳақидаги тавсиясидан ёмон фойдаланмоқдалар. Рағбатлантиришнинг Фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш, энг яхши сиёсий ташкилотчиларнинг фото витринасини ташкил этиш, мукофотлаш, кечалар уюштириш сингари усулларидан кам фойдаланилади.

Область партия комитети Бўка район партия комитетига жойларда сиёсий-ташкилий, оммавий ишларни ўтказиш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур тадбирлар кўришни топширди.

Сиёсий ташкилотчилар состави ўн кун муддат ичида қайта кўриб чиқилиши, уларнинг сафлари ўз ишини яхши биладиган, омма ўртасида тушунтириш ишларини моҳирлик билан олиб бора биладиган, яхши тайёргарликка эга бўлган коммунистлар билан тўлдирилиши керак.

Ҳар кварталда кам деганда бир марта сиёсий ташкилотчилар билан семинарлар ўтказиш, уларнинг асосий эътиборини партия ва ҳукуматимиз қарорларини оммага мазмунли ва тушунарли қилиб етказишга, ҳамма ерда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг кўламда авж олдиришга, меҳнаткашлар диққат-эътиборини беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришга қаратиш лозим.

Область партия комитети район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари зиммасига сиёсий ташкилотчиларнинг советларига раҳбарликни кучайтириш, уларнинг ҳисоботларини тез-тез эшитиб туриш, энг яхши тажрибаларни умумлаштириш вазифасини топширди. Район партия комитети ҳамда бошланғич партия ташкилотларидан ҳар бир колхоз ва совхозда сиёсий ташкилотчилар бурчаги ва оммавий-сиёсий ишлар хоналари ташкил этиб, уларни аҳоли ўртасида олиб бориладиган сиёсий ишларнинг марказига айлантиришни талаб этди. Бундай бурчаклар ва хоналарни керакли жиҳозлар, кўргазмали буюмлар, адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминлаш зарур.

Район партия комитети ва партия ташкилотларига энг яхши сиёсий ташкилотчиларни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун зарур тадбирларни кўриш топширилди. Алоҳида ўрнак кўрсатган сиёсий ташкилотчиларни ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан мукофотлаш зарур, сиёсий ташкилотчиларнинг кечаларини мунтазам ўтказиб туриш, уларнинг фотовитриналарини ташкил этиш ва бошқа шу сингари ишларни амалга ошириш лозим.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимига 1968 йилнинг январь ойида шаҳарлар, районлар, корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлардаги сиёсий ташкилотчилар советлари раислари учун семинар ўтказиш тавсия этилди.

— Ҳув кўраяпсанми, ана шу уйни ҳам қурувчиларимиз бунёд этишган,— дейди Н. Яригина дугонаси Т. Коринага. Дарвоқе, тошкентликлар учун кўплаб турар-жой бинолари бунёд этишда Саратов қурилиш-монтаж поездининг бу пешқадамлари ўз муносиб ҳиссаларини қўшишяпти.

А. Тўраев фотоси.

ОЛИМ БЎЛСАНГ, ОЛАМ СЕНИКИ

Бизнинг давримизда илм-фан шундай тез ривожланяптики, баъзи бир мутахассисларнинг тахмин қилишларига қараганда, асримиз охирига бориб жуда тараққий этган мамлакатларда ҳар икки-уч кишига бир илмий ходим тўғри келар экан. Албатта, бу тафсилотда анчагина муболаға бор. Лекин, фанни тараққий эттириш истиқболга эга бўлган физика, математика, биология, химия мутахассислари бўйича жуда кўплаб олимлар тайёрлашни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда олимлар тайёрлашнинг асосий формаси аспирантурадир. Тошкент Давлат университетида аспирантурага қабул қилиш кейинги беш йил ичида икки баравардан кўпроқ ошди. Мамлакатимизнинг марказий олий ўқув юртларида таълим олаётган ўнлаб ёш мутахассислардан ташқари Тошкент Давлат университетининг ўзида 300 га яқин аспирант бор.

Университет раҳбарлари илмий ўринбосарлар тайёрлашга жуда катта аҳамият беришаяпти. Олий малакали мутахассислар етиштириб чиқаришда профессор Тошмуҳаммад Саримсоқов, Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов, Теша Зоҳидов, Ахрор Тўлаганов, Владимир Иванович Попов, Шукур Толипов, Ҳамдам Усмонов ва бошқа атоқли олимларнинг роли ҳамда иштироки катта.

Бизда аспирантлар ишларига раҳбарлик қилишнинг турли хил формалари мавжуд. Ёш илмий ходимларнинг ҳисобот конференцияларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бунда уларнинг бир йил ичида олиб борган ишларига якун ясалади. Конференцияда бошқа олий ўқув юртларининг, республика Фанлар академиясининг вакиллари қатнашадилар. Бу, аспирантларнинг шахсий планлари қандай бажарилаётганини ҳар томонлама текшириш, назорат қилиш имконини бераётир. Бултур биринчи марта аспирантларнинг докладлари алоҳида тўплам қилиб босиб чиқарилди.

Университет партия ташкилоти ва ректорати диссертациялар темаси кафедралар ва проблемалар лабораторияларига илмий-тадқиқот ишларининг аҳамиятли бир қисми бўлишига эришмоқдалар. Масалан, аспирантлар химия лабораториясига илмий ходимларининг табиий бирикмалар ва фитогельминтология соҳасида олиб бораётган ишларининг бир қисм проблемаларини ҳал қилиш устида бир неча йилдан бери ишламоқдалар.

Саноатда ишлаётган олий маълумотли кишилар ҳисобига олимлар тайёрлашни яхшилаш учун илмий консультация пунктлари ташкил қилинган. Университет Тошкент шаҳрида тўртта йирик заводни оталиққа олди. Олимлар бу корхоналарнинг инженерларига кандидатлик имтиҳонларига тайёрланиш ва топшириқларига ёрдам бермоқдалар, диссертация темалари юзасидан консультациялар бермоқдалар.

Лекин, янги илмий ходимлар тайёрлашда анчагина камчиликлар ҳам бор. Қуйидаги рақамлар кишини ўйлашга мажбур қилмасдан қўймади. Масалан, бултур аспирантуранинг кундузги бўлимини тамомлаган 49 аспирантдан, атиги олти киши ўз вақтида кандидатлик диссертациясини ёқлади, йигирма уч киши ҳимояга тақдим этди. Жуда кўпчилик ёшлар аспирантурани диссертацияларини ўз вақтида ҳимоя қилмасдан ёки илмий соҳани соҳасига фақат илмий даражани олиш истагида юрган тасодифий кишилар ҳам кириб қолаётир.

Даставвал аспирантурага талантли кишиларни танлаб олишни яхши йўлга қўйиш керак. Механика-математика факультетининг коллективи москвалик ва новосибирсклик ҳамкасблари ташаббусига қўшилиб яқинда қобилиятли ёшлар учун сиртқи математика мактабини ташкил этди. Келажакда бу мактабда таълим олган ёшларни университетга қабул қилиш ва аспирантурада олиб қолиш имконига эга бўлиб, бир неча йилдан сўнг қобилиятли фан арбобларини етиштириб чиқарамиз.

Студентларнинг илмий иш олиб боришларини яхши йўлга қўйиш билан фанга кенг ва порлоқ йўл очиш мумкинлигини тажрибалар ҳам кўрсатиб турибди. Бунга жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

АСПИРАНТУРА ВА ҲАЁТ

ветга ишларини тақдим этмасдан битириб чиқмоқдалар. Сиртқи аспирантларнинг иши ҳам бундан яхши эмас.

Нима учун аспирантурага кўпинча қобилиятли ёшлар ўрнига қобилиятсиз кишилар қабул қилинади? Ахир, уларни ўқитиш учун давлатнинг қанчадан-қанча маблағи сарфланади-ку! Илмий ходимларни ҳаяжонга солиб келаётган бу саволга жавоб беришдан аввал аспирантурага қабул қилиш қандай ўтказилаётганлигига эътибор бериш керак.

Фан соҳасида янгилик яратиш, илм-фанни тараққий эттириш учун даставвал кишида маълум даражада илмий иш қилиш қобилиятига, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга мойиллик бўлиши керак. Бу ҳаммага маълум.

Афсуски, биз аспирантлар сафини янги-янги кишилар билан кенгайтираётганимизда шунга кўпинча амал қилмаймиз. Бунинг оқибати нимага олиб келди? Беш аспирантнинг илмий иши қайта кўрилганда бутунлай талабга жавоб бермаслиги аниқланди ва улар ўқишни давом эттиришлари мумкин эмас деган хулосага келинди.

Фикримизча, ёш олимларни тарбиялашга тўсқинлик қилаётган нарса, асосан етакчи мутахассисликлар бўйича аспирантурага қабул қилишда конкурснинг йўқлигидир. Шунинг учун Университет ўқитувчилари студентлар илмий жамиятининг ёрдами туфайли талантли талабаларни аниқладилар ва уларни илм-фаннинг катта йўлига бошладилар.

Бу жамиятни узоқ вақт Лазиз Қаюмов бошқарди. Ҳозир эса у республикамизнинг фан доктори илмий даражасини олган энг ёш олимларидан бири. Яқинда СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Нобель мукофотининг лауреати Франкдан келган мактуб бизни жуда қувонтириб юборди. Ядро тадқиқоти бирлашган институтининг у раҳбарлик қилаётган нейтрон физикаси лабораториясида университетимизнинг студенти Босар Собиров диплом иши тажрибасини муваффақиятли ўтказибди. У бутун ўқиш йиллари давомида студентлар илмий жамиятининг ишларида фаол қатнашди. Ҳозир машҳур олим университетимизни бу йил битирувчи талантли студент Босар Собировни Москвага ўқиш учун таклиф қилаяпти.

Лекин, шуни айтиш керакки, баъзи бир аниқ фанларни мукаммал эгаллашда бу каби талантли ёшлар кам. Масалан, механика-математика факультети аспирантураси учун берилган 26 ўринга фақат 10 киши ҳужжатларини топширган. Бундай ҳолни физика факультетида ҳам кўриш мумкин. Бу ўрта мактабларда математика, физика, химия фанларига яхши аҳамият берилмаётганликнинг оқибатидир.

Аспирантурада ўқиб, олим бўлиб етишиб чиқишда чет тилларини билишнинг ҳам аҳамияти катта. Очигини айтиш керакки, аспирантларимизнинг кўпчилиги чет тилини яхши билмайди. Бу уларнинг илмий иш олиб бораётганларида яққол кўзга ташланиб қолаяпти. Чет эл мутахассисларининг маълумотларига қараганда, дунё бўйича ҳар йили қилинган илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ишларининг ўн йигирма процента такрорланар экан. Дунё бўйича ҳар йили 30 минг нусхада илмий журнал, олти юз мингта илмий мақолалар чиқади. Ҳар бир олим энг муҳим илмий янгилик ва ихтиролардан бироз хабардор бўлиб туриш учун чет тилларини билиши керак.

Яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети илмий кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш юзасидан қарор қабул қилди. Бу, аспирантлар билан ишлашда муҳим дастурдир.

Кафедра ва илмий советлар олдида жуда кўп ишларни бажариш вазифаси турибди. Ҳар йили аспирантларни қайта баҳолашга тўғри келади. Баъзи бир илмий советларнинг ҳужжатларини қараб чиққанингда, бу иш шошма-шошарлик ва юзаки бажарилганлиги билиниб қоляпти. Илмий ишларнинг темаси ва плани кечикиб кўрилади ва тасдиқланади. Диссертация темасини ўқиш йилининг иккинчи ёки учинчи йилида ўзгартириш ҳоллари ҳам содир бўлиб туради. Шунинг учун аспирантлар ишини доимо назорат қилиб туриш ва уларга илмий ишларида ёрдам бериш зарур.

Республикамиз олий ўқув юртлари аспирантурага қабул қилишда талабчанликни оширсалар нур устига нур бўлардик. Шундай қилсак келажакда биз қобилиятли кадрларимиздан ҳақиқий олимларни етиштириб чиқаришга мустаҳкам замин тайёрлаган бўламиз.

М. МИРСАИДОВ,
Тошкент Давлат университети илмий ишлар ва кадрлар тайёрлаш бўлимининг бошлиғи, иқтисод фанлари кандидати.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Уни ҳудди синчалак дейсиз. Кичкина жуссада шунча ғайрат мужассамланганига ҳайрон қоласиз. Мана, у рўпарамизда турибди. Чувак, тиниқ юзи ёқимли. Қуралай кўзлари... ҳа, ана шу ўтли кўзлари унинг бутун қалбини ёритиб турибди деб ўйлайсиз. Кўзлари, қарашлари шу қадар зийрак, ўзгарувчанки, гўё у ҳозир олис-олисларга парвоз этгудай. Ҳа, айтгандай... келинг буни кейинроқ билиб оларсиз. Ҳозир ўзингизни пойтахтимизнинг Весна кўчасидаги 165-муҳташам бинода тасаввур этсангиз кифоя.

Учинчи қават. Пардаси кўтарилган деразадан узоқ-узоқлар кўриниб турибди. Кўёш ботгандан кейин юксакдан гўзал Тошкент жамолига боқсангиз баланд, кўркам бинолар пештоқидаги кўк, қизил, сариқ лампочкалар нури кўзни жимирлатади. Кўчалар сутдек ойдин. Одамлар, машиналар оқими. Шанба эмасми, кўпчилик сайрибоққа чиққан. Кимдир театрга, кимдир кинога шошиляпти...

— Шанба жуда соз ўтаяпти-да! — деди шу пайт қувноқ кириб келган дугонаси Людмила, — куни билан дам олиб, қанча ишларимни битказдим. Бу сафар қариндошларимга хат ёздим. Энг яхшиси — «Анна Каренинани» ўқиб бўлдим.

«Энди ўқиб бўлибди, — деб ўйлади ўзича деразага қўлларини тираб турган Зуҳра узоқларга тикилиб, — лекин ҳозир бошқа нарса ўқиши керак эди, бу асар мағзини чақдимикан?»

— Нега индамайсан, Зуҳра? — у дугонасининг орқасидан келиб бўйнидан қучоқлади. Зуҳра атайин тескари қараб турарди.

— Юр, «Замонамиз қаҳрамони»га тушайлик. Сен ҳам ишларингни битирдинг-ку.

— Сен дурустсан, — деди унга ўйчан ўгирилиб Зуҳра, — китобдан китобга осон кўчасан. «Анна Каренина»дан кейин кино кўргинг келяпти.

— Яна «фалсафа»ми? — деб Людмила унинг юзидан ўпиб олди, — юр, жонгинам!

Зуҳра ўз кроватига оҳиста ўтирди.

— Эсимда, — деди у сочини тўғрилаб, — шу китобни ўқиганимда бир неча кун ғалати бўлиб юрдим. Одамлар ҳаммаси бир-бирига оқибатсиз, бир бирини алдаб юргандек туюлди ўша замонда. Ўйлаб қарасам, бу ўша давр жаҳолат тамғаси экан.

ЛАВҲА

— Кетдикми, — деди хушчақчақ овозда Людмила. Зуҳра қадрдон дугонасининг сўзини ерда қолдиргиси келмади. Бир пастда у ётоқхонадаги бошқа дугоналарини ҳам чақириб келди. Бу пайтда Зуҳра ясаниб олган эди.

Қизлар кулиша-кулиша «Узбекистон» кинотеатрига йўл олишди. Уларнинг ҳаммаси бир фабрикада ишлаб, бир ётоқхонада истиқомат қилишлари қандай яхши!..

Душанба куни эрталаб қизлар пойтахтимиздаги каноп фабрикасига кириб келишди. Уларнинг руҳи енгил, қувноқ эди. Ҳовлида партия ташкилотининг секретари Қосим Абдураҳимов:

— Қалай, яхши дам олдинглармы? — деб сўради.

— Яхши! — деди шўхлик билан кулиб Зуҳра. Улар дастгоҳлар ёнига ўтиб кетишди.

— Зуҳра! — деб чақириб қолди улар орқасидан Қосим ака. Зуҳра югуриб келди.

— Ўтган ҳафтада цех бўйича пешқадам бўлдинглар, табриклайман. Суръат чакки эмас. Лекин яна тезлатиш керак. Хабаринг бор, Тошкентнинг илғор корхоналари беш йилликни барвақт бажариш ташаббусини бошлашди. Биз ҳам четда қолмайлик. Бригадангдаги имкониятларни бир ўйлаб кўрсанг.

— Ғам еманг, Қосим ака, бу ҳақда кеча ўзаро гаплашгандик. Ҳаммаси ғайратли қизлар, билasиз-ку.

У партком суҳбатидан кейин цехда Л. Артюхова, Н. Наврўзова, В. Дмитриева, С. Пешченко ва бошқа аъзолари билан ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш, каноп толасини пишиқ ишлаш ва қунт билан ўраш ҳақида қисқача гаплашиб олди.

— Фақат автоматларни кутдириб қўймасак бўлгани. Ғалтакларни қанча тез ёткизиб берсак иш унуми шунча ошаверади, — у қизларга қаради. Қизлар нигоҳи: «ҳаммаси жойида бўлади», деб турарди.

Шу пайт комплект бошлиғи Зинаида Сисоева кириб келди. Бир комплектда йигирмага яқин одам ишлайди. Унинг фикри ҳам тайёрлов йигирув цехидаги ишчиларнинг кўнглидагидек бўлиб чиқди. Хуллас, ҳамма-ҳамманинг мақсади битта-тобора кенг қулоч ёйиб бораётган ташаббусга қўшилиш! Бир зумда дастгоҳлар гувиллаб кетди... Кунлар ўтди. Қаранг, ўн бир ойлик топшириқни бригада аъзолари 120 процентга яқин адо этишди. Шу кунларда эса бешйилликнинг учинчи йили ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

Фабрика ҳовлисида иш кунини тамомлаган қувноқ йигит-қизлар гурунглашиб кетишяпти. Юлдузлар орасидан тонг юлдузи — Зуҳрани топиш қийин эмас. Ана у кулгиси 14 йилдан бери шу ҳовлида янграйди. Ким айтади уни ота-онаси йўқ деб, одамлар! Ҳа, афсуски ота-онасини эсполмайди. У, ақалла юз ифодаларини ҳам билмайди. Фақат фамилиясини билади, холос: Ғуломова. Ота-онасини дард олиб кетганида у мурғак эди. Партия ва ҳукуматимиз воята етказди уни. Зуҳра болалар уйида тарбияланди. Ҳозир унинг жарангдор кулгиси тез-тез янграйди. Эл-юрт бахш этган қувонч акс-садоси эмасми бу.

Ҳ. ИКРОМОВ.

Сиз суратда кўриб турган Мунаввар Мўминова 1968 йил ҳисобига ишламоқда. У Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси машъалларидан.

М. Нурмуҳинов фотоси.

НАШРИЁТЛАР АРМУҒОНИ

Ўзбек халқининг улуғ мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейини кенг нишонлашга ҳозирланаётган ҳозирги кунда матбаачиларнинг ҳам тайёргарлиги қизғин тус олган. Мамлакатимиздаги кўпгина нашриётлар Алишер Навоий асарларини босиб чиқарадилар.

Москвадаги нашриётлар ҳам бу ишга ижодий армуғонлар ҳозирлашади. «Прогресс» нашриёти бу йилнинг ноябрь ойида Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонини рус тилида чоп этган эди. Ҳозир бу нашриёт Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини рус тилида босиб чиқаришга киришди. Юбилейга пухта тайёрланаётган «Советский художник» нашриёти ҳам улуғ сана арафасида шоирга бағишланган тўпламни китобхонларга тақдим этади.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

МОҲИР ПРОПАГАНДИСТЛАР

Сиёсий маориф шохобчаларида машғулотларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтиши пропагандистларнинг маҳоратига боғлиқ. Оржоникидзе район партия комитети ана шуни ҳисобга олиб пропагандистларни танлашга алоҳида эътибор берди.

Ҳозирги пайтда районда 74 бошланғич сиёсий, 120 та марксизм-ленинизм асослари мактаблари ва 91 та ҳар хил семинарларда машғулотлар қизғин бормоқда. Уларда 438 пропагандист ва 384 семинар раҳбарлари иш олиб бораётир. Уларнинг кўпчилиги олий маълумотли кишилардир.

В. ҚОДИРОВ.

МАЗМУНЛИ, ҚИЗИҚАРЛИ

Оҳангарон шаҳар партия ташкилотларидаги сиёсий маориф шохобчаларида машғулотлар қизғин бормоқда. Ҳозирги пайтда шаҳардаги сиёсий мактаблар, марксизм-ленинизм асослари мактаблари ва ҳар хил назарий тўгаракларда 3,5 мингдан ортиқ коммунист ва партиясиз кишилар ўз билимларини оширмоқдалар.

Шаҳар партия комитетида ташкил этилган методик совет машғулотларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишида пропагандистларга катта ёрдам бермоқда. Бу совет жойларда машғулотларнинг қандай уюштирилганлигини назорат қилиб бориш билан бирга, илғор пропагандистларнинг тажрибасини оммалаштиришга ҳам алоҳида аҳамият беради.

Шу кунларда шаҳарда 8 та сиёсий маориф кабинетни жамоатчилик асосида иш олиб бораётганини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Нега энди автотранспорт ташкилоти раҳбарлари маршрутли такси шоферларининг ишини контроль қилмайдилар?»

Шаҳар партия комитетида ташкил этилган методик совет машғулотларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишида пропагандистларга катта ёрдам бермоқда. Бу совет жойларда машғулотларнинг қандай уюштирилганлигини назорат қилиб бориш билан бирга, илғор пропагандистларнинг тажрибасини оммалаштиришга ҳам алоҳида аҳамият беради.

Шу кунларда шаҳарда 8 та сиёсий маориф кабинетни жамоатчилик асосида иш олиб бораётганини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Нега энди автотранспорт ташкилоти раҳбарлари маршрутли такси шоферларининг ишини контроль қилмайдилар?»

АГИТАТОРЛАР СЕМИНАРИ

Яқинда «Узбекхиммаш» заводи ёшлар бригадаси цех агитаторларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда 100 дан ортиқ агитатор иштирок этди. Улар завод партия комитетининг секретари П. Давиденконинг КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми (1967 йил) қарорларини тарғибот қилиш юзасидан агитаторларнинг вазифалари тўғрисидаги докладини тингладилар ва ўзаро тажриба алмашдилар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

БИР ХАТ ИЗИДАН

ПАЙСАЛЧИЛАР

Ҳурматли редакция! Ўтган йили шаҳримизда юз берган зилзила кўпгина ҳамшаҳарларимиз қатори менинг ҳам иссиқ ўрнимни совутди. Октябрь район ижроия комитети бизга яшаш мумкин бўлган уйлардан бирини берди. Аммо бу уй хоналари ҳам эски бўлганлиги учун зилзиладан бироз зарарланганди. Печкаси эса мутлақо бузилиб кетган эди. Уша йили печкани тузатиб беришларини сўраб, уй-жойлардан фойдаланиш конторасига ариза бердим. Мана орадан бир йилча вақт ўтди. Конторага қатнай бериб чарчадим, лекин натижа чиқара олмадим. Бир куни контора бошлиғи М. Қурбонов дабдурустдан «Қаёққа бориб шикоят қилсанг, қилавер. Печкани ремонт қилиш учун бизнинг вақтимиз йўқ. Бор ишингдан қолма» деб хонасидан қувиб чиқарди. Энди кимга арз қилай!

Т. АҲМЕДОВА,
Қизил қўшин кўча 88-уйда яшовчи.

Қизиқ, наҳотки орамизда ҳали ҳам кишиларнинг ариза ва шикоятларига шунчалик панжа орасидан қарайдиган тўралар бўлса, деган мулоҳаза билан Чуқурсойдаги 26-уй-жойдан фойдаланиш контораси томон йўл олдик. Мана, контора бошлиғининг хонаси. Бошлиқ Мурод Қурбонов ўз хонасида аллақандай кибр-ҳаво билан шипга тикилиб ўтирибди.

— Салом!

— ...

— Салом!

—Нима? Э, келинг, хўш, хизмат?

Биз бир четдаги стулга келиб омонатгина ўтирдик-да, мақсадни тушунтирдик. Мурод Қурбонов эса худди аччиқ нарсани тишлаб олгандек афтини бужмайтириб четга қаради.

— Шунақа денг, қандай бўларкин, бу бизда вақт масаласи чатоқроқ-ку. Ҳа, майли, сиз келибсиз борсак боримиз-да.

У, худди бир пуд юкни қўшиб кўтараётгандек стулдан аранг тураркан «қани, кетдик бўлмаса» деди пичингнамо оҳангда. Бизни Турғунтош Аҳмедова очиқ чеҳра билан кутиб олди. Лекин думғи пўпанак босган Мурод Қурбонов ҳатто аёлнинг саломига алик ҳам олмади. У алик ўрнига: «Мана, редакцияга шикоят қилган экансиз, аризангизга биноан келдик. Қани, нима камчилигингиз бор, кўрсатинг-чи» деди тўнғиллаб. Кейин ёнидаги техник Қ. Ғуломовга ўгрилди-да: «Ахир, мен сизга шу печкани тузатиб бериш учун бир-икки бор топшириқ берган эдим. Нега бажармадингиз» деб тилёғламалик қилган бўлди. У бамайлиҳотир ҳовлини бир-икки бор айланиб чиқида, кейин сўзида давом этди.

— Энди, биродар бизга ҳам осон эмас, дунёда нима кўп бунақанги аризачи қоракўзлар кўп. Ахир, қайси бирининг арзига қулоқ соласан. Бирини бажарсак, иккинчиси қолиб кетади.

— Аҳмедова ариза берганига ҳозир қанча бўлди?

— Янглишмасам чамамда бир йилдан ошдиёв. Мен шу конторага бошлиқ бўлиб келганимга ҳозир етти ойдан ошиб қолди. Аftидан мендан бешоий олдин ариза берган кўринади, — деди у гўё аризанинг шунча вақт ётиши унга алоқаси йўқдек бамайлихотирлик билан.

— Хўш, чамангизда ариза яна қанча ётиши керак?

— Аниқ бир нарса деёлмайман. Лекин ҳозир қўлимизни совуқ сувга ҳам урмас эдик-у, на чора редакция аралашибди, бажарамизда. Шунда ҳам 15—20 кунлар ичида ремонт қилиб беришимиз мумкин. Бошқа иложимиз йўқ.

Контора бошлиғи Мурод Қурбоновнинг ваъдасидан кейин ҳам орадан 35—40 кун вақт ўтди. Афсуски, Аҳмедованинг печкаси ремонт қилиш у ёқда турсин, берган аризанинг чанғи ҳам қоқилмабди. Биз яна Қурбонов бошчилик қилаётган конторадамиз. Уша бизга таниш бўлган хона. Бошлиқ М. Қурбонов, техник Қ. Ғуломов ва бошқа бир-икки ходимини йиғиб, маҳалла пайровидан аския айтишиб, конторани бошларига кўтариб ўтиришибди. Биз ундан ваъданинг натижасини сўраган эдик, у ўзини-кулгидан аранг тўхтатиб «қайси маҳалла эди» деб сўраган бўлди.

— Қизил қўшин кўча, 88-уй.

— Э, Қизил қўшин денг. Буни қаранг-а, ҳаёлдан кўтарилибди-ю. Айтгандек ўша ҳовлидаги ремонт нима бўлди-а, У техник Ғуломовга юзланди.

—Гапнинг очиғи ҳали бороллганимиз йўқ, чунки цемент йўқ. Водопроводни қурадиган уста эса ҳозир анқонинг уруғи бўлиб турибди. Ҳа, энди борамиз-да, хўжайин. Ўтган йилдан иш қолибдими, — жавоб берди ўз устозидан тарбия олган Ғуломов.

— Кўрмайсанми, редакциянинг ҳам шу аёлдан бошқа ташвиши йўқми дейман. Гап шу, сенга бир ҳафта муҳлат. Бир ҳафта ичида ремонтни битказмасанг, унда бошқача гаплашишга тўғри келади.

Қурбонов Ғуломовга пўписа қилган бўлди. Қурбонов берган ваъдаларидан кейин бир эмас, бир неча ҳафталар, ойлар ўтиб кетди. Лекин конторанинг бирор ишчиси Аҳмедованинг уйига қадам ранжида қилгани йўқ. Қаерда қандай ваъда берилган бўлса, ўша ваъда ўша жойда қолаверди, ташқарига чиққани йўқ.

Бу конторада меҳнаткашларнинг тортмадан-тортмага ташлаётган аризалари ягона эмас, биз икки йилдан буён ҳал бўлмай пайсалга тушиб қолган биргина Аҳмедованинг аризаси тақдири ҳақидагина гапириб ўтдик. Бу баъзи тош пайсалчиларга умид боғлаб, «ҳожагимизни чиқарармикин, шароитимизни тушунармикин, печкамизни ёки уйимизни ремонт қилиб беришармикин» деган ўй-хаёл билан қатнай бериб оёқдан қолган кишиларнинг сон-саноғи йўқ. Мана, яна бир мисол. Экскаватор-ремонт заводининг ишчиси Қорақамиш массивидаги 22-уй 58-квартирада яшовчи Насибулин уйидаги водопровод кранини тузатиб беришни сўраб 8 ой қатнади. Лекин, натижа чиқара олгани йўқ.

Коммунистик партия ҳар бир жамоат ташкилотларидан меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари, аризаларини ғоят сезгирлик ва жонкуярлик билан кўриб чиқишни талаб қилади. КПСС Марказий Комитети «Меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилишни уюштириш ишлари тўғрисида» алоҳида қарор қабул қилди. Афтидан бу пайсалчилар ана шу қарордан қолаверса инсонга бўлган меҳрибонликдан, гамхўрликдан, одамийликдан бехабарга ўхшайдилар. Акс ҳолда кишилар ариза кетидан контора эшигида ойлаб, йиллаб сарсон бўлишмаган бўларди. Уларнинг бундай иш фаолиятидан район ижроия комитети раҳбарлари хабардормикан?

Э. ҚОДИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» текширишларни маълум қилади

ЧОРА КЎРИЛДИ

«Биз ҳар куни Чилонзорнинг 12-квартали билан «Тошкент» меҳмонхонаси ўртасида қатнайдиган маршрутли такси машинасида ишга келамиз. Баъзи шоферларнинг ишлари кишини ғазаблантиради. Улар йўловчилардан пул йиғиб оладилар-да, билет бермайдилар. Айрим йўловчилар: «Билет бермайсизми?» деб сўраб қолгудек бўлса, шоферларнинг тепа сочи тикка бўлиб, кўзларини олакула қилиб: «Манзилингга етсанг бўлди-да, билет билан нима ишинг бор!» деб ўшқиришади. Бундай ҳолларни ТНВ 23—44, 83—46, 65—11 номерли машиналарда содир бўлаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Нега энди автотранспорт ташкилоти раҳбарлари маршрутли такси шоферларининг ишини контроль қилмайдилар?»

Йўловчиларнинг ушбу мазмундаги шикоят хати шаҳар автобуслар трестига юборилган эди. Яқинда редакция ана шу хатга 3-таксомотор паркининг директори ўртоқ Х. Иброҳимовнинг имзоси билан жавоб олди. Унда айтилишича, маршрутли такси машиналарининг иши жамоатчи назоратчилар томонидан текширилган. Текширишда хатда кўрсатилган фактлар ҳақиқатан ҳам содир бўлаётгани аниқланган.

Йўловчиларнинг шикоят хати ҳамда текшириш натижалари жамоат назоратчилари иштирокида таксомотор парки ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинган ҳамда тартиббузар ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий чора кўрилган.



Калинин районининг йирик хўжаликларидан бири бўлган «Ленин йўли» колхози чорвадорлари юбилей йилини катта зафарлар билан якунламоқдалар. Хўжаликда давлатга гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари сотиш йиллик планлари ошириб адо этилди. Ушбу суратларда колхознинг сут-товар фермасини кўриб турибсиз.

А. Абалян фотолари.

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАДИ

БУНАҚА мажлис колхозда кўп бўлган. Эҳе, шунақа мажлисларда нималар дейилмаган, қанча-қанча ваъдалар берилмаган. Лекин эртасигаёқ ваъдалар унутилган, айтилган гаплар тан олинмаган. Шу сабабдан ҳам бу колхознинг иши аравани кейинги гилдираги сингари сира олдинга силжимаган.

Мана, бугун яна янги раис сайланаяпти. Қишлоқнинг кекса-ю, ёши келган. Ҳар кимнинг юрагига тугиб қўйган гапи бор. Айтади.

Ҳали мажлис бошланмасдан одамлар тўп-тўп бўлиб ивиршивирлаб қолишди. «Хе, қўйсангчи, ахир биз нима деб бош кўтариб юрибмиз, қишлогимизда раисликка ярайдиган одам бўлмаса...», «Эй, сиз жуда ғалати одамсиз-да, нега раисбоп одам йўқ экан, мана ўзингиз, қайси раисдан камсиз...», «Ана холос, мен нима деяпман-у, қўйбизим нима дейди. Мен айтаётганим йўқ, мени раисликка кўрсатинглар деб». «Хўш, нега бўлмаса ундай дейсиз. Сиз айтсангиз Эшмат раис бўлсин деб, мен чиқсам Тошмат раис бўлсин, деб. Нима бўлади, тўполон кўтарилиб ҳар галгидек раис сайлаш галвага айланиб кетмайдими. Янги раис кўнглимиздаги одам бўлса, қадам ташлаши илдам бўлса ажаб эмас. Сиз билан бизга колхоз пастдан юқорига кўтарилса, хонадонимиз тўқ бўлса, шундай эмасми...»

Гувур-гувур бўлиб турганда ўрта ёшли кишининг даъвати эшитилди.

— Қани ўртоқлар, ичкарига, мажлис бошланади...

Зал бир пастда тўлди. Ҳозиргина бир-бирларига гап бермай галлашиб, тортишиб турган одамлар жимиб қолишди. Президиумга ҳайъати сайланди. Унга кекса, ҳурматли колхозчилар, ишда ўзини кўрсатган ёшлар, райком вакили, яна Саъдулла Раҳматуллаев исм-фамилияли киши ҳам киритилди. Боя сув қуйгандек жим турган залда яна шивир-шивир бошланди. Саъдулла Раҳматуллаевни бу ерда ўтирганлардан кўпчилик танимасди. Ҳар ким ҳар хил хаёлга борди. «Раисликка кўрсатишмоқчими, у киши бу ерга келган»...

Раислик қилувчи ўрнидан туриб мажлисни очди. Рўзномада иккита масала турарди. Эски раис ҳисоботи, янги раис сайлаш.

Ҳисобот доклади узоқ бўлмади. Докладдан кўра саволжавоб кўп вақтни олди. Нега ҳосил қамайиб кетди, нега даромаднинг мазаси бўлмади, колхознинг бу аҳволга тушиб қолишига нима сабаб...

Саволлар қатъий, талабчан эди. Ҳисоб берган раис бу саволларга шундай мазмунда жавоб бердики, гўё буларнинг ҳаммасига ёлғиз ўзи эмас, правление ҳам айбдор. У одамларнинг юзига қаролмай, «мен раисликни эплолмадим...» деди охирида.

— Раисни ўзгартириш керак, — деди залда ўтирганлардан бири. Президиумдагилар ҳам ханг-манг бўлиб қолдилар. Ахир ҳали раисни ўзгартириш, янги раис сайлаш ҳақида гап бўлгани йўқ эди-ку. Бу мулоҳаза ҳали нари кетмай иккинчи, учинчи... улардан кейин кўпчилик раисни ўзгартириш тўғрисидаги таклифни қувватлаб чиқди. Мажлис бошланишидан олдинги говур-гувур яна қучайди. Раислик қилувчи одамларни тинчланишга чақирди.

— Бундай қилиш ярамайди, — деди у, — гапирадиган бўлсанглар мана бу ёққа чиқиб сўзланглар... Қани, ким гапирмоқчи?

Жимлик.

— Ҳа, гапларингиз ичларингизга тушиб кетдими?

— Қани, бизга сўз беринг-чи...

Одамлар орасидан кекса бир киши кўтарилди. Унинг қуёшда пишган юзини ажин чизиқчалари яна ҳам нуроний қилиб кўрсатар, кўзларида эса аллақандай норозилик, камситилганлик сезилиб турарди. У минбарга чиқиб дарров гап бошлаб кетолмади. Безовталанди, тамшанди. Залда, президиумда ўтирганларга бир-икки қараб қўйди.

— Деҳқон боласи ишга уста бўлади. Мен яна гадир-будир гап айтакўрсам ранжимасликларингизни сўрайман.

— Ундай деманг, ҳақ гапнинг тиғи ҳар қандай ярани ҳам тузатади, сўзлайвериng, — президиумдагилардан бири лўқма ташлади.

— Мен шу қишлоқликман. Ота-онам ҳам шу ерда ўсишган. Мана, колхоз тузганимизга уч кам қирқ йил бўлди. У вақтда биз кучга тўлган йигит эдик. Колхозга қўшилиб биримиз икки бўлди, ер-сувли бўлдик. Ўғил-қизимиз ўқиди, хонадонимиз обод бўлди. Бу гапимнинг даромади, совутини энди бошлайман...

Гапимнинг совути шундан иборатки, раислар ҳусусида икки оғиз гап айтмоқчиман. Илгаригиларини қўяверинглар, кейинги ўн-ўн беш йил ичида раис ўзгартиравериб жонимизга тегди. Уни сайлаймиз, бир йил ишлайди, бошқаси келади, икки йилда ёқмай қолади. Икки ўртада колхоз иши оқсаяпти. Раис йўл-йўриқ кўрсатиб туради. Шу йўл-йўриққа ҳар ким ҳар хил қараётгани ва айрим кишилар асосан томорқага берилиб кетгани сабабдан ҳам ишимиз қўшниларникидан жуда орқада. Юнусободдаги, Қўктеракдаги колхозларга ҳавасим келади. Ўттиз йилдан бери битта раис билан ишлаб келишяпти. Қаранг, колхозлари қанақа яхши. Биз бўлсак... Нўноқ устага ўхшаймиз, қурган иморати хунук, нобоп, эртасига бузишга тушиб қолади... Гапни чўзиб юбормайсизлар, — ота узатилган чойдан бир хўплаб давом этди.

— Биласизлар, мен шу вақтгача раис сайловида сўзга чиқмаганман, кўпчилик кимга қўл кўтарса, «Ҳа шундай эканда» деб қўл кўтариб кетаверганман. Нотўғри қилган эканман. Одамнинг ўзида бир муқим фикр бўлиши керак экан. Мен ҳозирги раисимизни ёмон демоқчимасман, ақлли, идрокли, деҳқон йигит. Лекин мен ўйлайманки, унда саркорлик йўқ. Биров ишни яхши биладию, аммо уни кўпчиликка тушунтириб шундай ишласанг ютасан, деган гапни одам кўнглига қўрғошиндай қўёлмайди. Яна бошқа томони, раислик курсисига ўтиргандан кейин гап-сўзи, масаласи норозилик, камситилганлик сезилиб турарди. У минбарга чиқиб дарров гап бошлаб кетолмади. Безовталанди, тамшанди. Залда, президиумда ўтирганларга бир-икки қараб қўйди.

— Деҳқон боласи ишга уста бўлади. Мен яна гадир-будир гап айтакўрсам ранжимасликларингизни сўрайман.

— Ундай деманг, ҳақ гапнинг тиғи ҳар қандай ярани ҳам тузатади, сўзлайвериng, — президиумдагилардан бири лўқма ташлади.

